



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 23 октябрь № 41 (313) ● Сотувда нархи эркин

**Вазирлар Мағжасида коммуникация мажмуининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.А.Ахметов бошқарди. Унда 1998 йилнинг тўққиз ойлик иш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши кўриб чиқилди.**

Тўққиз ойлик иш якунларига кура транспорт ва алоқа корхоналари асосий белгиланган вазифаларни бажаришди. Жумладан, 1963,59 миллион киши ўз манзилларига етказилди, 189,82 миллион тонна юк ташилди, жорий йилнинг 1 октябрга қадар асосий телефонлар сони 1589,3 мингтани ташкил этди, 7,8 миллионга хат жўнатилди. Транспорт ва алоқа корхоналари 26669,8 миллион сум фойда олди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан рақамлар солиштирилганда корхоналарда 10200 киши ишдан қисқартирилганлиги маълум бўлди. Утган ҳисобот даврида ур-тача иш ҳақи 1,6 баробарга ўсиб, ҳисобот даврида корхоналарнинг дебитор қарзлари 22619,2 миллион сумми, кредиторлик қарзлари эса 14178 миллион сумми ташкил этди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан рақамлар таққосланганда, йулдовчиларни манзилларига етказиш ҳажми 53,59 миллион одамга, юк ташини ҳажми 1,1 миллион тоннага камайган бўлса, хат жўнатиш миқдори эса 100 минг донага кўпайди. Транспорт ва телекоммуникация соҳасида фаолият курсатаётган кўпма қорхоналар махсулотларини сотиш ва хизмат курсатиши

## КОММУНИКАЦИЯ МАЖМУИ ЙИҒИЛИШИДА

борасида 5340,7 миң АҚШ доллари миқдориди иш бажаришди. Коммуникация мажмуи йиғилишида транспорт соҳаси корхоналари раҳбарлари утган тўққиз ойда амалга оширилган ишлар ҳамда корхоналар ишга тўғрoқ булаётган муаммолар ҳақида гапирди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Х. Жўрабоев ҳам сўзга чиқиб, бажарилган ишлар ва соҳа муаммолари ҳақида тўхталиб ўтди.

Почта ва телекоммуникациялар корхоналари жорий йилнинг тўққиз ойида 19,4 миллиард сумлик алоқа хизмати курсатди ва махсулот ишлаб чиқарди. Аҳолига 3,9 миллиард сумлик алоқа хизмати курсатилди. Жами 8,4 миллиард сум фойда олинди. Барча алоқа корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятларини зарар қурмасдан яқунлашди. Почта ва телекоммуникациялар соҳасида ишчи-хондиларнинг ур-тача иш ҳақи тўққиз ойида 7020 сумми, жумладан электралоқа корхоналарида 8030 сумми, почта корхоналарида эса 3302 сумми таш-

кил этди.

Курсатилётган хизмат ҳаммини бир маромда ушлаб туришга эришилди. Бу борадаги курсаткичлар утган йилнинг шу даврига солиштирилганда шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 10,0 фоизга, жўнатмалар юбориш 13,0 фоизга, пул юбор-тмалари 23,0 фоизга, даврий нашр-

ҳал этилгач, 1999 йил мобайнида бажарилади. Хориж сармоясига асосда жорий йилда 61,57 миллион АҚШ доллари миқдориди ишлар бажарилиши кўзда тутилган. Тўққиз ой ичида бу борада 17,4 миллион долларлик ишлар амалга оширилди.

Алоқа корхоналарининг дебитор қарзлари шу йилнинг 1 октябрга

рий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Коммуникация мажмуи йиғилишида утган тўққиз ой мобайнида экспорт махсулотлари бўйича белгиланган баъзи вазифалар бажарилмаганлиги, дебитор ва кредитор қарзлар усанглиги қайд этиб ўтилди. Бу борада транспорт ва алоқа корхоналари раҳбарлари зарур чора-тадбирлар қуриши лозимлиги ўқтирилди. Шунингдек, транспорт ва алоқа корхоналари раҳбарлари зиммасига Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда акциялар бўйича иш олиб бориш, жумладан, акцияларини хорижий сармоядорларга мулжалланган қисмини сотиш бўйича зарур чоралар қуриш, ҳар ойнинг биринчи ун кунлигида дебитор ва кредитор қарзлар бўйича қилинаётган ишлар туртисиди коммуникация мажмуига маълумот юбориш, корхоналарни кузги-қишки мавсумга тайерлашни октябрь ойида якунлаш каби вазифалар ўқлатилди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига хизмат курсатиш сифати ҳамда маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни тегишли раҳбарлар билан масалани агентлик ҳайатининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилди, ОЕСФ кредити бўйича маблағларни ўзлаштириш, корхоналар оморхоналарида сақланаётган тайер махсулотларни камайтириш борасида керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топирилди.

Йиғилишида қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдугани АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкентдаги Миллий ахборот марказида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, алоқа корхоналари, компаниялари раҳбарлари билан журналистларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Агентлик Бош директори А.Х.Жўрабоев алоқа соҳасида қилинаётган ишлар, янгиликлар, хорижий алоқачилар билан олиб борилаётган ҳамкорликлар тўғрисида гапирди. Бугунги кунга келиб маҳаллий телефон тармоқларини қарийб ўттиз фоизи янги рақамли техника билан жиҳозланди, шаҳарлараро рақамли станциялар, шиша толали ва кабель алоқа линиялари ишга туширилди. Республика миқёсида кенг кў-

ламда алоқа иншоотлари қурилиши олиб борилмақда. Почта алоқаси корхоналари ишини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриляпти. Со-

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ҳада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини сотиш муваффақиятли олиб борилмақда. Айни пайтда бутун диққат-эътибор аҳолига сифатли алоқа хизмати курсатиш, камчиликларни бартараф этиш, соҳага энг илгор алоқа техника-

ларини жалб қилишга қаратилмоқда.

Учрашувда «Халқаро Телеком», «Маҳаллий Телеком», «Ўзбекистон почтаси» каби акционерлик компаниялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқишди, мазкур компанияларда олиб борилаётган ишлар ҳақида кўшимча маълумотлар беришди. Шунингдек, учрашувда 1999 йил обунаси, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар, таксофон, кабель телевидениеси, МДҲга почта орқали пул жўнатиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди. Журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилди.

**А. КУДИНОВ**

## АНЖУМАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида Марказий Осиё ҳамда Кавказорти минтақалари алоқа маъмуриятлари метрологларининг «Почта алоқаси ва телекоммуникациясида метрология» мавзусида ўқув анжуман-кенгаши иш бошлади. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, алоқа бўйича Минтақалараро ҳамкорлик маъмурияти, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Ўзбекистон электроника, радиотехника ва алоқа илмий-техник жамияти мазкур анжуман ташкилотчи-

лари ҳисобланади. Унда Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация соҳасининг етакчи олим, метролог мутахассислари, телекоммуникация жиҳозлари ва ўлчаш асбоблари ишлаб чиқарувчи машҳур фирма вакиллари иштирок этишмоқда.

Анжуман 26 октябрга қадар давом этади.

**Муборак ҒОҒУРОВА,**  
Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, илмий-тадқиқот бўлими етакчи муҳандиси

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

Янгиликлар - Вокзаллар - Хабарлар

● 16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов 20 октябрь куни «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунгни қабул қилди.

● Буюк аллома Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги арафасида Фарғона механика заводида янги цех очилди. Унда Асакадаги автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас» ва «Тико» автомобиллари учун тўрт турдаги дисклар ишлаб чиқарилади.

● Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандда иккинчи марта Самарқанд шаҳри кўни нишонланди. Бундан икки йил муқаддам Самарқанд буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар марказига айланган пайтда ана шундай аjoyиб анъанга асос солинган эди.

● Қирғизистон, Ўзбекистон ва Исроил хавфсизлик идоралари ҳамкорликда Қирғизистонда фаолият курсатаётган бола ўғрилари тўдасини қўлга олди. Интерпол томонидан халқаро қидирувда бўлган Исроил фуқароси В. Блинштейн бошчилигидаги жиноятчилар гуруҳи сохта ҳужжатлар билан Исроилга

ёш болаларни олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилган.

● Боку шаҳрида Озарбойжон Президенти Хайдар Алиевнинг ўшуб лавозимини эгаллаш тантанали маросими ўтказилди. У Озарбойжон Республикаси давлат мустақиллиги кўни билан ҳамоҳанглашиб кетди.

● Собик шўро етакчиси Леонид Брежневнинг невараси Андрей Брежнев янги коммунистик партиёга асос солди.

● Лондонда Чилининг собиқ диктатори А. Пиночет хибсга олинди. Мазлумки, 82 ёшли А. Пиночет Лондонда операциядан сўнг даволанётган эди.

## ● ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМА

«Қашқадарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Косон филиали жамоаси ишчи-хизматчиларидан 100 нафари «Хабар» газетасига 1999 йил учун обуна бўлишди. Газетамизга бошқа соҳа жамоаларини ҳам обуна қилиш давом эттирилмоқда.

**Косон филиали директори Маҳмуд ҲАҚБЕРДИЕВ**

## ● Обуна-99

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Азиз муштарийлар!**  
«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!  
ОБУНА БАҲОСИ  
(Каталог нархи)

Якка тартибдаги обуна-чўм учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.

## «БУЗТЕЛ»: БИРИНЧИ ЙИЛ ЯХШИ БОШЛАНДИ

Индонезиянинг «Бакри групп» корпорацияси томонидан Ўзбекистонда ўтган йилги ташкил этилган «Бузтел» уяли телефон алоқа корхонасининг раҳбарлари ўз тижоратчилик фаолиятларини шундай деб баҳоламоқдалар. «Бузтел» Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган олтинчи уяли телефон алоқа компаниясининг тўртинчиси бўлиб, замонавий GSM андозаси асосида ишлаяпти ва қолган компаниялар қаторида ўзининг бир йиллик фаолиятини нишонламоқда.

1997 йилнинг баҳорида матбуотда: «Сизни GSM андозасидаги уяли телефон алоқасининг хайратомуз илгор технология дунёсига олиб кирамиз» деган баёнот билан чиққан ва ўз фаолиятини эндигина бошлашга тайёргарлик кўраётган бу компания истикболда ўзига мижоз бўлажак абонентларига: «Бошқа компанияларга нисбатан тез ва арзон хизмат кўрсатамиз» дея яна бир ваъдани берди. Ушунда кўп одамлар бу ваъданинг қачон ва қандай амалга ошишини қизиқсиниб пойладилар. Ниҳоят берилган ваъдалар рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олтинчи йиллиги арафасида, 1997 йил августда «Бузтел» ўз телефон тармоғини ишга туширди. Бу пайтда Жокартадан етиб келган тажрибали мутахассислар тошкентлик ҳамкасблари билан биргаликда Марказий станцияда «Алкатель» тизимидаги замонавий жиҳозларни, базавий подстанцияни ўрнатдилар, сервис хизматини ташкил этдилар ва мижозлар билан ишлаш бошладилар. «Бузтел» телефон аппарати орқали биринчи бўлиб Индонезиянинг Ўзбекистондаги факулдада ва Мух-

тор элчиси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарлари Жокарта билан гаплашдилар. Телефон гўшаида тиник эшитилаётган овоз, янги корхона ўрнатган уяли телефон алоқаси техник ускуналарнинг чиндан ҳам ишончли эканлигига аён далил эди.

Мазкур компания кўрсатаётган хизматлар таркибига оdatдаги алоқа хизмати усулларидан ташқари кўнгирак қилувчининг рақамини аниқлаш, кўнгиракни чеклаш, чақирувнинг манзилни ўзгартириб ёзиш ва бошқа вазифалар ҳам қиради. Бу хизматларнинг айримлари абонентларга бирдан тақлиф қилинди, бошқалари янги техникани ўзлаштириш жараёнида амалга оширилмоқда.

Ўтган бир йил Ўзбекистонда замонавий алоқа хизматини ташкил этишда ўзига ишонган, ишини яхши билладиган, вазин ҳамкор оператор фаолият кўрсатаётганини исбот этди, бунга мижозлар ҳам амалда ишонч ҳолини кўрсатмоқдалар. Уларда «Бузтел» хизматига кўпроқ майл уйғонмоқда. Шу боис, дастлабки кунларга қиёслаганда корхонанинг абонентлик тармоқлари ўсумоқда, жорий йилда бу яққол кўзга ташланди.

Энг муҳими, бизнингча, ўтган қисқа даврда «Бузтел» компанияси Ўзбекистон телекоммуникацияси бозорининг маркетинг мухитида кишини хайратга соладиган янгиликларни тўхтовсиз жорий этаётганидир. Масалан, мазкур компания ўз фаолиятининг дастлабки икки ҳафтаси ичида мижозларга 500 донга ичма, кўтариб юришга қулай (портатив) телефон аппаратларини бепул тақдим этди, мижозлар бу аппаратларда бир ой давомида бепул гаплашдилар. Тўловга келганда эса, улар атиги SIM-карточка учунгина ҳақ тўладилар ва муайян миқдорда депозит улушини қўши-

лар. Илк мижозлар фирма тўғрисида зарур маълумотларни тарқатувчи рекламачилар хизматини ўташди. Тез орада мижозлар билан ишлайдиган дилерлик пунктлари ҳам вужудга келди. Тариф ва нархни тушириб бориш корхона учун аънама тусини олди.

«Бузтел» хайр-эхсон тadbirlarida ҳам фаол қатнашмоқда, бу борада хусусан бола-дан муассасаларига кўрсатилаётган ёрдам диққатга сазовордир.

Турли-туман совға-саломлар ва қимматбаҳо совринлар берилладиган уйини уюштириш компаниянинг тезкор тadbirlarida сирасига қиради. Ўзбекистонда ўтказилаётган биринчи ҳам байрам ёки шунга ўхшаш бошқа муҳим воқеалар ушбу компаниянинг лотерея усулидаги тўхталарисиз сент-майдаган бўлиб қолди. 12 сентябрда «Ле Меридиан» меҳмонхонасида «Бузтел»нинг бир йиллигига бағишланган тантанана тақлифномалар асосида ташриф буюрган меҳмонлар ҳам қутилмаган совринларга, совғалар ва тақдирловларга, имтиёزلарга эга бўлдилар. «Бузтел» абонентлари ўзи билан янги мижозларни бошлаб келса, улар маълум муддат мобайнида «Бузтел» тармоғи орқали бепул гаплашишдек рағбатлантиришга муяссар бўладилар. Компания раҳбарлари ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари, қафолат ва имтиёзлари яратилган Ўзбекистонда тadbirkorликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

«Бузтел» компанияси Тошкентда ва пойтахт вилоятида, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари ва ҳудудларида янги базавий подстанцияларни барпо этиш эвазига уяли телефон алоқасининг ўз тармоғини тобора кенгайтириб боришни мақсад қилган.

Халқаро «ЮНЕСКО» ташкилоти томонидан бу йил бобокалонимиз, буюк астроном, муҳандис Аҳмад ал Фарғонийнинг қутлуг 1200 йиллиги кенг нишонланади. Ушбу анжуманга мамлакатимизнинг турли давлатларидан меҳмонлар ташриф буюрадилар.

Шу муносабат билан Аҳмад ал Фарғоний таваллуд толган Фарғона вилоятининг Кува ва Фарғона шаҳарларида хиебон-

зациясига олинди. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги Фарғоний майдонида ҳам Фарғона — Кува йўналишидаги йўллар кен-

## БОБОКАЛОНИМИЗ ТУЙИГА АТАБ

лар ташкил қилинди. Бу борада «Фарғона Телеком» хиссдорлик жамияти алоқачилари ҳам ўз хиссаларини қўшиб, алоқа хизмати тааллуқли барча ишларни сидқиқидан бажардилар. Жумладан, Кува шаҳридаги Шаҳристон мажмуаси ҳудудида жойлашган ер ости телефон алоқаси канализацияси бошқа жойга кўчирилди, 15 та ҳар хил сизимдаги кабеллар демонтаж қилинди. Шаҳристондаги алоқа қурилиши ишлари учун 1 миллион 302 минг сум маблағ сарфланди. Кува — Андижон чегарасида йўл кенгайтирилиши муносабати билан тўққиз километр узунликдаги ҳаво алоқа линиялари ер ости телефон канали-

гайтирилганлиги сабабли алоқа симеғочлари бошқа жойга кўчирилиб, 132 та телефон нуқталари бошқа тармоқларга уланди. Йўл бўйларидаги кабеллар алмаштирилди. Майдон хиебонидида ер ости қудуқлари қайта таъмирланди.

Янги хиебонда алоқа хизмати буйича олиб борилган ишлар, ниҳоятга етди. Лекин, фарғоналик алоқачилар олдида Кува ва Фарғона шаҳарларида алоқа хизматининг мунтазам ва сифатли ишлашини таъминлаш каби муҳим вазифа турибди.

**Фарида УМАРОВА,**  
жамоатчи мухбиримиз,  
Фарғона вилояти



«Тошкент Телеком» хиссдорлик жамиятининг Паркент филиали телеграфчиси Нозима СИДИҚОВА ўрта мактабни тугатиб, телеграфчилик касбини танлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт мобайнида телеграфчилик касбини пухта ўрганиб, мустақил ишлаш бошлади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ОБУНА ҚИЗГИН БОРМОҚДА

Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани почта алоқа шўъбасининг йуриқчиси Альфия Сайфулина бошчилигидаги жамоатчи обуначилар обунани уюшқоқлик билан утказишга тайёргарлик кўраётган. «Пастдаргом ҳақиқати», «Халқ сузи», «Маърифат» каби газеталарга, «Гунча», «Гулхан», «Саховат», «Саодат», «Муштум» каби журналларга яқдиллик билан обунани бўлишмоқда. Янги йилда юз нафар киши «Хабар», элликдан кўпроқ газетхонлар «Оила ва жамият» газеталарига ҳаммадан олдин обунани бўлишди. «Катта найманча», «Ян-

гиубод», «Намазга», «Чашма» алоқа булимларининг ходимлари Туроб Хайдаров, Сайёра Эшқулова, Манзура Отаёрова, Нурмамет Иброҳимов, Наҳия Исмоилвалар биринчилардан бўлиб янги йил обунани мавсумини қизитиб юбордилар. Пешқадим жамоатчи обуначилар ва уларнинг издошлари 1999 йил обунани мавсумини шу йилнинг 15 декабригача тугалаш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,**  
жамоатчи мухбиримиз,  
Самарқанд вилояти

«Сирдарё Телеком» хиссдорлик жамияти жамоаси дала меҳнатқиларидан уз ёрдамларини аямаяптилар. Жамиятнинг қирқ нафардан иборат алоқачилари теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб Сайхунобод туманидаги Пахтакор жамоа ҳўжалиги далаларида пахта теришмоқда.

Ҳашарчилар учун иссиқ оват, чай ташкил қилинган. Ҳар беш кунда теримчиларга иш ҳақи берилиб, ҳар ун кунда эса терим натижалари буйича илгорлар рағбатлантириб бо-

рилмоқда. Хиссдорлик жамиятининг лойиҳа—конструкторлик бўлими муҳандиси Рашида Жемарцева, диспетчерлик бўлими ходими Абдурашид Холматов, 1-булим мунининг дастлабки кунларидан бошлаб Сайхунобод туманидаги Пахтакор жамоа ҳўжалиги далаларида пахта теришмоқда. Ҳандиси Ойгул Мухаммедова, булим бошлиғи Рита Ким, кабелчи Зокир Нишонбоевлар ҳар кун саксон, юз килограмдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

**Абдугофур ҲОТАМОВ,**  
жамоатчи мухбиримиз,  
Сирдарё вилояти

## ЭЪЛОН

«Тошкент таксофони» очик турдаги хиссдорлик жамияти акциядорларининг йиғилиши Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 17-уйда жойлашган «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» хиссдорлик жамиятининг мажлис залда 1998 йил, 29 октябрь кун соат 15.00 да утказилади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Корхонанинг 1998 йил тўққиз ойлик иш якунлари ҳисоботи.
  2. Низомни тасдиқлаш.
  3. Бошқа масалалар.
- «Тошкент таксофони» хиссдорлик жамияти маъмурияти**

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТГА!

«АЛОҚАБАНК» ўз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлисини 1998 йил 19 ноябрь кун соат 11.00 да Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлис залда ўтказилишини маълум қилади. Қатнашчилар шу кун соат 10.30 дан бошлаб зал пойгоҳида рўйхатга олинади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Бошқаруви ва Кенгашининг «Алоқабанк» фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. «Алоқабанк» Уставига киритилладиган ўзгартиришлар тўғрисида.
3. «Алоқабанк» Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
4. «Алоқабанк» Кенгашига янги аъзоларни сайлаш.
5. «Алоқабанк» Ижроия Органи раҳбарини шартнома асосида влалаш тўғрисида.
6. «Алоқабанк»нинг 1998 йил иш фаолияти якунлари юзасидан ташқи аудитни жалб этиш тўғрисида.
7. Турли масалалар.

### ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

Йиғилишни тайёрлаш ва утказишда сиз фаол иштирок этиб, «Алоқабанк» фаолиятини янада юксалтириш ҳақида тақлиф ҳамда мулоҳазалар билдирасиз, деган умиддамиз.

Маълумот учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86, 136-10-21.

**«АЛОҚАБАНК» бошқаруви**

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

1998 йил 18 ноябрь соат 10.00да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси 17-уйда навбатдан ташқари акциядорлар мажлисини ўтказди. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 22 август 361-сон билан тасдиқланган Қарорига асосан тартибга солиш;
  - 1.1 Акциядорлик жамиятининг умумий мажлиси Низомини тасдиқлаш;
  - 1.2 Кузатув кенгаши Низомини тасдиқлаш;
  - 1.3 АЖ Дирекцияси Низомини тасдиқлаш;
  - 1.4 АЖ Бош директорини ишга қабул қилиш ҳақидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш;
  - 1.5 АЖнинг Низомига тўлдиришларни тасдиқлаш;
  - 1.6 Акциядорлик жамиятидаги Давлат вакиллари ҳақидаги Низом билан таништириш.
  2. АЖ ташкил қилинган даврдан бошлаб Дирекция ва Кузатув Кенгаши фаолиятини ҳамда ихтисодий-техникавий кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришни бошқариш самарадорлигини баҳолаш.
  3. Кузатув Кенгаши аъзолигига янги аъзоларни сайлаш.
  4. Бош директорни қайта сайлаш.
  5. АЖ Дирекцияси раҳбарини Кузатув Кенгаши ва умумий акциядорлар мажлиси олдидаги ҳисоботи шакли ва жадвалини тасдиқлаш.
  6. Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар миқдорини камайтириш.
- Маълумот учун телефонлар: 55-77-17, 133-45-19.

Кузатув Кенгаши

# КАЪБАТУЛЛО ТУҲФАСИ

1176 йилди содир булган ушбу воқеа Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулбоқий ҳаётдан олинган. У шундай ҳикоя қилган:

— Мен ҳақ қилиб, Байтуллох атрофини тавоф қилиб юрганимда бир марварид шодасини топиб олдимда, эҳромимга боғлаб қўйдим. Бир мунча вақт ўтган, бир одам уни киририб келиб қолди. Мен ундан марварид белгиларини сураган эдим, айтиб берди. Марварид шодасини чиқариб беришим билан у ҳурсанд бўлганидан: «Уйимга юр, мен топилма учун қилган ваъдамни бажараман», — деди. Мен унга, — «Бирор нарса еки мукофот учун қайтарганим йўқ, Аллох тазолонинг менга мурувватлари жуда етарли», — дедим. «Демак, уни буюк ва шарафли тангри туфайли қайтариб бердингми? Ундай бўлса, мен билан Каъба томонга қара ва менинг дуойимни «омин» деб қувватлаб тур», — деди-да: «—Эй Аллох таъоло, бизларнинг гуноҳларимизни махфират қил ва унинг яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтаришимни насиб эт. Ҳар иккаламизнинг ниятимизга етишишга кумак бер», — деб юзига фотиҳа тортиди, хайрлашиб жунаб кетди...

Шундан сунг тақдир мени бир неча шаҳарларни босиб ўтиб, Магриб шаҳарларидан бирига етаклаб борди. Мен у ерда бир неча жойларда қотиб қилиб кун кечирдим. Юриб-юриб бир бадавлат шахсга иш юритувчи бўлиб елладим. Биз тезда иноқлашиб кетдик. Менга унинг бир чеккасидан хона ажратиб берди.

Кунларнинг бирида суҳбат чоғида менга қараб: «Э Абу Бакр, нега уйланмайсан?» — деб қолди. Бу сўз менинг юрагимга ўқдек урилиб, найзадек санчилган эди. Бироз сукунатдан сунг мен унга: «Уэ харажатимга яраша даромадим бўлмай, қандай қилиб оила қуриш тўғрисида уйлай» — дедим. Шунда у: «Келин учун махр жой, кийим-кечак ва жами туй харажатлари менинг ҳисобимдан. Фақат мен айтган қизга уйланишга рози бўлсан бас», — деди-да қизнинг танасидига тутма айбларини айтиб берди. Ҳар томонни уйлаб, мен рози бўлдим. Шундан сунг бир неча шахслар гуноҳлигига ниқоҳ ҳам уқиди. Менга ҳам янги ва чиройли либослар тақдим қилиб, «Мана, буғун қаллигинг хузурига киришинг мумкин. Бутундан бош-

лаб сен менга ҳам куёв, ҳам фарзанд бўлинг» — деди.

Мени ясатилган ва жиҳозланган уйга бошлаб киришти. Мен курсига ўтиришим билан румол епинган келин кириб, эғлиб салом берди. Урнимдан туриб қарши олдим ва юзидаги румолини тушириб, қараб қолдим... Не қуз билан кўрайки, қаршимда тенги йўқ, гузал ва дунликкина, 19-20 ёшлардаги қиз табассум ила қараб турарди. Шунда мен қўзимни бир очиб юмдимда, суралим: «Бу тушимми еки унгимми?». Шунда қиз, «Ҳа, азим, бу туш эмас, мен сизнинг жуфти ҳалонингизман. Менинг исмим Гулсум», — деб жавоб берди. Мен қўзимга ишонмай, унга яна тикилган эдим, буйнидаги таниш марваридга қўзим тушди. Мен марваридни қўрашиб: «Сизга буни ким берди?» — деган саволимга қиз: — Бу марваридни палари бузқуворим Маккага борганларида менга атаб олган эканлар, — деди.

Эртаси кун иш жойимда ҳаёлга чўшиб ўтирган эдим, ҳужайин кириб келиб мен билан саломлашиб, суради: «Нима сабабдан ҳаёлга ботдинг?» Шунда мен қайлигим буйнидаги таниш марварид шодаси ҳақида уйлаётганимни айтдим. Шунда у: — Ҳа, бу марварид жуда қимматли ва табаррук марварид. Мен уни Маккага борганимда жуда кўп пулга сотиб олиб, йўқотиб қўйгандим. Аммо тангри марваридни бир инсофли ва ҳалол одам қўлидан менга қайтариб берган. Мен уни қайтиб урчатмадим. Жуда сахий инсон экан, — деди. Шунда мен: Уша одам сизмисиз? — деб юборганимни билмай қолдим. У ҳам менга тикилиб қарадида: — Уша ҳалол одам сизмисиз? — деб қучоғига босди.

Бунга қарангки, у дуо қилганида: «Менинг қўзимга шундай пок инсон насиб этсин» деб кўнглидан утказган экан. Мен ичимда «Эй Аллох таъоло, менга бирор қаллик насиб эт» — деган эдим.

Шундай қилиб, пайғамбаримиз саллолоху алайҳи васалламнинг ҳадисларида қайтилган «Эй, мўминлар, Каъбатуллох айртисида сураган тилангинини Аллох таъоло сўзсиз ижобатла айлантиради» деган сўзлари яна бир бор тасдиқланган.

Кунлардан бир кун бир киши Улуғбек Мирзо хузурига келиб, таъзим-таъозъдан сунг шундай ағз қилибди:

— Эй шоҳим! Менинг бошимга бир мушкул иш тушди. Уни ҳал қилиш менинггина эмас, барча донишмандларнинг ҳам қўлидан келмапти. Мен Хурсон карвонига ҳамроҳ бўлиб Ироқдан Самарқанд томон келмоқда эдим. Карвон Жайхун дариға етган, мен бир чеккага бориб, либосларимни ечдим. Менда бир парча лаъл бўлиб, уни чарм халтачага тикиб, билгимга боғлаб олиб юрдим. Ушал лаъл халтачани ҳам билгимдан ечиб, кийимларим устига

бойликка эга бўлибсан. Ростини айт, шунча бойлиқни қасрдан топдинг?

— Мен туқувчиман. Қорақулда яшайман, — дебди ҳалиги киши. — Кунлардан бир кун ўз ишим билан банд бўлиб ўтирсам, бир қарга учиб келиб, рупарамдаги дарахт шохига қўнди. Унинг тумшугида гуштак ухшаб бир нарса бор эди. Уша нарса қарга озгилдан тушиб кетди. Олиб қарасам, туморга ухшатиб тикилган чарм экан. Очсам ичидан офтоби олмадек ярқираб турган лаъл чиқди. Уни худонинг садақаси деб билдим-да, Самарқандга элт-иб, бир гавхаршўноста қўрастидим. Уни қуриши билан гавхаршўносининг ранг-руйи

## • Мерос

# УЛУҒБЕК ВА САЙЁҲ

қўлимда, ювиниш учун сувга тушиб кетдим. Сувдан чиқсам ҳалиги лаъл қўйган жойимда йўқ. Уша атрофда бегона одам кўринмасди. Шунинг учун йўқолган нарсамни уртоқларимдан сураб-суриштиришга уялдим. Лаъл қандай гойиб бўлиши мумкин?

— Бу жумбоқни ечиш учун бир йил сабр қилишинга тўғри келади. Шу орада уша лаълинг топила ёқши. Моболо топиламай қолса, унинг қимматини мен тулайман.

Ҳалиги киши шукрона бажо келтириб кетибди. Шундан сунг пошхоқ девонбегини чақириб, ўзига қарашли юрт аҳолисининг уша йили подшоликка қанча тулов ва солиқ топишганини номбаном езиб беришни буюрибди. Девонбегни шох фармонини бажарибди.

Улуғбек Мирзо руйхатни бирма-бир кўздан кечириб чиқиб, узда сақлабди. Янги йил кириши билан шох девонбегини чақириб, шохлик даромади ҳақида утган йилгидек ҳисоб-китоб топиришини суради. Шох солиштириб қўраб, Қорақулдан утган йили давлатга элик танга солиқ тулаган, кишининг бу йил подшолик ҳақинасига 500 танга топириганини кўриб қолибди. Улуғбек Мирзо уша кишини топиб олиб, хилватда уз хузурига киритишларини буюрибди.

Подшоқ фармонига қўра ҳалиги кишини топиб келтиришибди. Улуғбек Мирзо у билан суҳбатлашиб, сурабди:

— Сенинг солиқ тулашинида икки йил орасида катта фарқ содир бўлибди. Бундан чиқди сенга отангдан мерос қолган еки бошқа бирон йул билан катта

лаълдек чарақлаб кетди ва мендан суради:

— Бунга қасрдан топиб келтирдинг?

Мен бу нарсанинг қимматбахо тош эканлигини энди тушундим-да, жавоб бердим:

— Каердан келтирганимни сураб-суриштириб нима қилсан. Истасанг, нархини келишиб ол. Булмаса молимни қайтариб бер.

— Неча пулга сотмоқчисан? — суради у.

— Икки минг олтин тангага сотаман, — дедим мен.

Узоқ талашиб-тортишиб, 1500 тангага сотдим. Пулни олиб, тўғри бозорга бордим, бир кул, бир қанизак ва бошқа қимматбахо нарсалар сотиб олдим, бир отни эгар-жабдути билан олиб тўғри Қорақулга бордим. Уз тирикчилигини, уй-рузгор анжомларини бадавлатларниқига ухшатиб яхшилаб олдим. Камбағалликдан қутулиб, мол-дунели бўлганимни қўрган қўшниллар мендан суради:

— Бунча мол-дунени қасрдан топдинг?

— Самарқанд шаҳрида бир бадавлат қариндоним бўларди. Иттифоқо у вафот этиб, давлати менга мерос қолди, — жавоб бердим мен.

Мирзо Улуғбекнинг буйруги билан уша гавхаршўносни келтирибдилар. У гавхарни сотиб олганига иқдор бўлибди ва яшириб қўйган жойидан келтириб қўрастиди. Подшо иши олиб эгасига берибди. Гавхаршўносни эса инсофсизлик қилиб, уша лаълининг баҳосини паства ургани учун жазаолабди.

(«БАДОЕЪ-УЛ ВАҚОЕЪ»-ДАН)

# ҲИҚМАТЛАР

Фойдасиз ҳаёт кечириб — фойдалана олганингиздадир. **М. МОНТЕНЬ**

## ГЁТЕ

...Яхши ишлаш — яхши яшашдир. Шундай яшаш керакки, улгандан кейин ҳам ўлмаслик лозим.

## М.ГОРЬКИЙ

Беъмани ҳаёт кечириб — ҳаёт эркин, шод бўлсин ёмон турмуш кечириб эмасдир, аммо секин-аста ўлишдир. **Муса ЖАЛИЛ**

## ДЕМОКРИТ

Инсон ҳаёти темирга ухшашдир. Уни ишга солганингда, у сайқаллашади, уни ишлатмай қўйсанг-чи, занг еб қўяди. **Н. А. НЕКРАСОВ**


## Катон СТАРШИЙ

Кимдаки бўлмаса замона гами, Е оламдан эмас, ё эмас одам. **Л. ТОЛСТОЙ**

Мен ҳаракат қилмоғим шарт, менинг ҳар куним мангилкини яратишда бўлсин серунум. **П. ТУЛКИН**

## М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

Ҳаётнинг улчови умр узунлигида эмас, сиз уни қандай



Бухоро. Арк майдони

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

шарпани кўриши биланоқ магнитофон ишга тушади ва плёнкага ёзиб олинган ириллаган. **БИЛАСИЗМИ?**

вовиллаган товушлар баралла янграб кетади. Магнитофон-овчарканинг овози шунчалик ўткирки, уни эшитган ҳар қандай бегона киши чўчима қолмайди. **А. АЛИЕВ тайёрлади**

Ташқи кўринишига қараб, бог кўрийдиган ўзимизнинг оддий кўрикчи-ку, дейсиз. Аммо унинг жулдур-жулдур «кийими» ичида ғалати нарсалар — фотоэлементлар бор. Атрофидан келаётган қушлар ана шу фотоэлементларда кўрингач, дарҳол реле ишга тушади-ю, кўрикчи «қўллари»ни силкитади ва қушларни кўрकिдагидан овоз чиқаради.

**А. АЛИЕВ тайёрлади**

## МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид Жўрабоев  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул қотиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТўЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўривоҳ АҲМЕДОВ  
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ  
Шоҳруҳ АҚБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдиган. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифларга зиммасдадир.

Рўйхатга олиш №0011. Буюртма № Г-0440. 8245 нусхада чоп этилади.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРЎТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 21.00



ДУШАНБА, 26

УзТВ-1
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома»
8.40 «Ўзлик» Бадий-публицистик курсатув.

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Созиниқ салом»
18.30 «Олам ва одам»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-IV
16.45 Курсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра»
17.10 - 18.45 Туркия телевидениеси

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

алифбоси».
18.30 «Эл тинчилиги йўлида»
18.50 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.

УзТВ-II
18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этакди.

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-IV
16.45 Курсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра»
17.10 - 18.45 Туркия телевидениеси

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

21.20 «Куйла, ёшлигим»
21.35 «Артюр»
21.50 «Ешлар» телеканалда.

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

19.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время»
20.05 «Муҳаббат тарихи»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

10.55 «Хамроз»
11.25 Телевизион миниатюралар театри сахнасида.

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

8.30 «Қамалак» Болалар унвон киносери.

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-III
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Даракчи»
18.30 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

СЕШАНБА, 27

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЧОРШАНБА, 28

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ПАЙШАНБА, 29

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЖУМА, 30

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ШАНБА, 31

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЯКШАНБА, 1

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.